23

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕ-СП...

МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕ-СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
АССОЦИАЦИЯ "ПРЕДПРИЯТИЙ АЛЬТЕРНАТИВНЫХ ВИДОВ ТОПЛИВА И ЭНЕРГИИ"

TIQXMMI

ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА



"AGROSANOAT TARMOQLARIDA ELEKTR ENERGIYASIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH MUAMMOLARI" MAVZUSIDAGI HALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ «ПРОБЛЕМЫ ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЭЛЕКТРИЧЕСКОЙ ЭНЕРГИИ В ОТРАСЛЯХ АГРОПРОМЫШЛЕННОГО КОМПЛЕКСА»

COLLEKTION OF REPORTS INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE "PROBLEMS OF IMPROVING EFFICIENCY OF ELECTRICAL ENERGY USE IN AGRICULTURAL INDUSTRY"

II часть

28 ноябрь 2018 год

## Отсканированные документы



## УДК:332.3:502.4.

УДК:332.3:502.4.

# ТОМОРҚА ВА ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ЕР ФОНДИНИНГ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

**Ашуров Абдулло Файзуллоевич, катта ўқитувчи.**

**Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти,**

**Аннотация.**

Мақолада томорқа ва деҳқон хўжаликлари ер участкаларидан фойдаланишнинг ҳолати, кўрсаткичлари, муаммолари, улардан самарали фойдаланиш имкониятлари ва зарурати ёритилган ва илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Таянч иборалар:** Ер фонди, кичик бизнес, ташкилий-ҳуқуқий тузилма, коллектор, дренаж, технология, тадбиркорлик, лойиҳа, минерал ўғит, гумус.

**Аннотация.**

В статье освешены вопросы о состояние использование земельных участков приуса-дебных и дехканских хозяйствах, показатели производства продукции, проблемы, необходи-мость и возможности рациональной использовании земельных участков и разработаны научно обоснованные предложения.

**Ключевые слова:** Земельный фонд, малый бизнес, организационно-правовая структура, кол-лектор, дренаж, технология, предпринимательства, проект, минеральныеудобрения, гумус.

**Abstract**

The article outlines the situation, indicators, problems, the opportunities and necessity of the effective use of land parcels in the households and dekhkanhousholds and scientifically-based recom mend-dations have been developed. Key words: Land fund, small business, organizational and legal structure, collector, drainage, technology, entrepreneurship, project, mineral fertilizer, humus.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши шароитида барча ресурслардан, аввало ер ресурсларидан оқилона фойдаланишни талаб қилади. Мамлакатимиз иқтисодиётида ерлардан фойдаланиш, айниқса қишлоқ аҳоли пунктлари ерларидан, шу жумладан томорқа ер фондидан оқилона фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Томорқа ер участкалари ва деҳқон хўжалиги ер майдонларидан самарали фойдаланилиши, мамлакатда қишлоқ хўжалиги ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини ошишига, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишига, аҳолини озиқ-овқат билан таъминланишини яхшиланишига, қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашга ва уларнинг даромадларини ошишига имкон беради. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг 9 декабрда бўлиб ўтган қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишланган маърузада “Қишлоқ меҳнаткашлари – бу ҳаётнинг бақувват устуни, фаровонлигимиз таянчи” - деб таъкидлаган. Шунингдек маърузада қўйидагилар ҳам белгилаб берилган: “Қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳали амалда қўлланилмаган имкониятлар, ечимини кутиб турган муаммо ва

камчиликлар бор". Маърузада, шунингд...

камчиликлар бор". Маърузада, шунингдек "445 минг гектар энг унумдор ерлар аҳолига томорка ер участкалари сифатида берилганлигини, аммо ушбу майдонлардан фойдаланиш жудаям паст даражада" деб гапириб ўтилди. /1/. Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан келтириб ўтилган имкониятларни амалга оширилиши томорка ва деҳқон хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишни такомиллаштириш заруратини белгилайди. Томорка ер участкаси ва деҳқон хўжаликлари иктисодий ривожланиши тенденцияси кузатилишига карамасдан,

кишлоқ аҳоли пунктларида мавжуд муаммолар ҳануз ечимини топганича йўқ, бу ҳолат авваламбор Томорка ва деҳқон хўжаликларида яққол акс этади:

- ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;
- чорвачиликни озуқа ва яйлов майдонлари билан таъминлаш;
- ерларни субаренда таъминоти;
- томорка ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларини мерос ва эгалик ҳуқуқига ажратиш, ипотеканинг ривожланиши;
- йўл ва транспорт коммуникацион хизматлари ҳолатларини яхшиланиши, етиштирилган маҳсулотни кайта ишлаш масалалари;
- томорка ер майдонларида экин экишда илмий асосланган ишлаб чикаришни жорий қилиш ва бошқалар.

Буларнинг барчаси ўз ечимини ва қишлоқ аҳоли пунктларида мукаммал ҳуқуқий база ташкил килинишини тақкозо қилади. Қишлоқ хўжалигида, кейинги йилларда ўтказилаётган ислоҳотлар давомида қишлоқларда янги ташкилий-ҳуқуқий тузилма, яъни ўзини озиқ – овкат ва озуқа маҳсулотлари билан таъминлаш билан биргаликда заруратдан ортикча етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш билан шуғулланадиган - оилавий майда товар ишлаб чикариш корхонаси, деҳқон хўжалиги пайдо бўлди /2/. Ишлаб чикариш динамикаси шуни кўрсатадики, Томорка ва деҳқон хўжаликларининг улуши умумий ялпи маҳсулотларни етиштиришга катта ҳисса кўшиб келмоқда, яъни кишлоқ хўжалигида етиштирилаётган картошканинг - 81% ни, полиз маҳсулотларининг - 56%, сабзавотлар - 66% ни, узум маҳсулотларининг - 50% ни ташкил этади. Томорка ва деҳқон хўжаликларида мамлакатнинг 6,5 млн.бош қорамоли (92,8%) парваришланади, шу жумладан сигирлар 2,8 млн.бош (94,5%); улар ҳиссасига мамлакатда ишлаб чиқариладиган 95%-гўшт, 97%-сут, 57,9%-тухум ва 71,7%-жун тўгри келади (Статистичекие сборники). Шу билан бирга томорка ва деҳкон хўжалиги ерларининг мавжуд ҳолати ва фойдаланиш таҳлили шуни кўрсатадики, ҳали бу хўжаликларда катта имкониятлар мавжуд. Томорка ва деҳкон хўжаликлари ерларидан деҳқонлар 2 марталаб ҳосил олиб, бирига ўз эҳтиёжларини қондираётган бўлсалар, колганини эса бозорга олиб чиқиб сотмоқдалар. Эрта пишар карам, лавлаги ва бошка сабзавотлар етиштириш хали хамон амалда кам қўлланилмоқда. Чорвачилик ишлаб чикаришининг кўрсаткичлари жуда пастлиги ва бунинг асосий сабаби килиб чорво молларига озука етишмаётганлиги кўрсатилмоқда, озука етишмаслигининг асосий сабаблари эса бу томорка ва деҳқон хўжаликларида суғориладиган ер майдонларининг, асосан сабзавот ва

полиз экинлари билан банд этилаётганлиги бундан ташкари яйловларнинг етишмаслиги, яйлов ерларининг илмий асосланган холда тақсимланмаганлиги, уларнинг холати яхшиланмаяттанлигидир. Томорка ва деҳқон хўжалиги ерларининг сифат даражаси паст. Минерал ўғитлар кўп холларда жуда кам миқдорда берилади, суғориш ишлари хам белгиланган агротехник муддат ва нормаларда амалга оширилмайди, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар кўп холларда шўрланган массивларда жойлашган, коллектор-дренаж тармоғи қишлоқлар четида ва ўз вақтида тозаланмайди. Мавжуд бўлган қишлоқ аҳоли пунктларидаги ер майдонларининг ҳолати, шу жумладан Томорқа ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларидан фойдаланилиши даражаси таҳлил қилинганда, уларни етарли даражада самарали фойдаланмаётганлиги аниқланган.

Кўп йиллар мобайнида ерлардан хўжасизларча, бепул фойдаланиш исрофгарчиликка олиб келди. Бунинг натижасида катта ҳажмдаги қишлоқ хўжалик ерлари турли хил қурилишлар ва бошка нокишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун бериб юборилган, аҳоли яшаш жойлари чегараларидан ташқарида экин ер майдонларида, боғ ва тозорлар ичида якка тартибда, уч –туртталаб қурилган яшаш уй-жойлари пайдо бўлган. Оқибатда муҳандислик ва транспорт алоқаларини узунлиги ортди, ҳамда аҳоли пунктлари атрофларидаги ер майдонлари ва яйловлар деградацияга учради. Буларнинг барчаси томорқа ва деҳқон хўжалиги ер фонди хамда аҳоли турар жойлари сифатида самарали фойдаланилиши ёмонлашувига таъсир кўрсатди. Бундай ҳолатни асосий сабаблари килиб кишлоқ аҳоли пунктларидаги ер майдонлари ва улардаги ердан фойдаланувчиларни тўлик руйхатга олинмаганлиги, шаҳарсозликнинг умумий ривожланишини акс эттирувчи зарурий ҳужжат-лар, бош режаларнинг йўқлиги, қишлоқ аҳоли пунктларида ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашганлиги ҳолатларини кўрсатишимиз мумкин. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида илм-фан ва техника юруқлари асосида, мукаммал ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида, барча қулайликларга эга бўлган аҳоли яшаш жойларини қуриш ишлари амалга оширилмоқда. Бизда ҳам шу қоидаларга амал килиш вақти келди десак муболаға бўлмайди. Бунга юртимизда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган замонавий уй – жойларни, Президентимиз ташаббуслари билан "Обод қишлоқ", "Обод маҳалла" дастурлари асосида тамоман янгидан қурилиб ўз жамолини намоён қилаётган янги аҳоли пунктларини мисол келтириш мумкин.Мамлакатимизнинг турли вилоятлардаги деҳқонлар билан кечган сўровномалардан маълум бўлдики хўжалик юритишга кетадиган харажатлар 1000-2000 минг сўмни ташкил қилади, маҳсулот сотиш нархи эса 4000-6000 минг сўм, даромад-2000-4000 минг сўм, бошқача қилиб айтганда ҳар бир оилага тахминан 3000 минг сўмдан тўғри келмоқда. 85% дан кўпроқ томорқа ва деҳқон хўжаликларида қорамол ва паррандалар бор. Тахминан 70% томорка ва деҳқон хўжаликларида соғин сигирлар, шу жумладан 35% тасида боқиладиган хукизлар бор. Томорқа ва деҳқон хўжаликларидаги сигирлардан олинадиган махсулдорлик жуда паст масалан сут - тахминан 1700 кг миқдоригача. Бир оила бир йил давомида ўртача 1100 кг сут ва 150 кг гўшт маҳсулотларини истеъмол қилади, бу

демак пул кўринишида 3,3 ва 5,25 млн.сўмни ташкил қилади. Чорвачиликдан сотилган томорка ва дех кон хўжалик маҳсулотлари ўрта ҳисобда 3.7 млн.сўмни, умумий ҳисобда ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан бирга эса 4,9-5,0 млн.сўмни ташкил этади. Етиштирилган маҳсулотларни оилалар томонидан истеъмол қилинадиган қисмининг ўртача ҳажми 60-65% (тахминан 3,2 млн.сўм), қолган маҳсулотлар эса бозорда сотилади. Деҳқон хўжаликларининг илғор тажриба ва кузатувлари шуни кўрсатадики, уларнинг самарадорлигини 3-4 мартагача ошириш имкониятлари мавжуд.Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А. Каримовнинг 2006 йил 23 март кунидаги ПҚ-308-сонли Фармойишига асосан, томорқа ва деҳқон хўжаликларининг ривожлантириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда уларнинг ролини ошириш ҳамда қишлоқ аҳолисига давлат томонидан ёрдам кўрсатиш, шахснинг ўз томорқасида фаолият кўрсатиши даврида меҳнат дафтарчасини расмийлаштирилиши ва меҳнат стажини йўлга қўйилиши кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари, кам таъминланган оилаларга ҳомийлик маблағларидан сут берадиган сигирлар ажратиш белгиланган. Чорва молларининг бош сони ўсиб бормоқда, аммо уларнинг озуқа таъминоти муаммолигича қолмоқда. Чорвачиликни шахсий томорқа ва деҳқон хўжалиги ер майдонлари ҳисобидан озуқа билан таъминланиши етарлича эмас (25-30% маккажўхори, арпа ва бошқалар ҳисобига). Айниқса яйлов ерлари етарлича эмас. Ҳозирги кунга келиб деярли барча қишлоқ хўжалик ерлари фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага берилган ваҳамма фермер хўжаликлари ҳам ўз ер майдонларида Томорка ва деҳқон хўжаликларининг чорво молларини боқишга рухсат беравермай-дилар. Қишки ва ёзги яйловлар эса аҳоли яшаш жойларидан анча узоқ масофаларда жойлашган. Ерлардан самарали фойдаланишдаги асосий омиллардан бири бу табиий ресурслардан самарали фойдаланишни ташкил этишдир. Томорка ва деҳқон хўжаликлари тизимли асосда ривожланишлари зарур, бунда аҳоли учун барча зарур шароитлар яратилиши, ресурсларни тежовчи технологиялар асосида аҳолини қишлоқ хўжалиги махсулотлари билан таъминланиши, маҳсулотларни ортиқча қисмини экспорт қилиниши, тупроқ уиумдорлигини оширилиши шулар жумласидандир. Томорка ва деҳқон хўжаликлари ерлардан фойдаланиши ривожланишида қўйидаги омилларни белгилаб ўтиш зарур бўлади:

1.Томорқа ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларини самарали ташкил-лаштириш;

Ушбу йўналиш яшаш масканларини самарали жойлашиувини ҳамда кўп йиллик дарахтлар ва қишлоқ хўжалиги экинларинингтоморқа ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларида мақбул жойлашишини таъминлайди. Томорқа ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларининг энг кўп тарқалган шакли, бу тўртбурчак шакл бўлиб, бунда уй жойлар ва ёрдамчи хўжалик иморатларини, мевали дарахтларни ва қишлоқ хўжалик экинларинимақбул жойлаштириш бир сўз билан айтганда уларнинг ҳудудларини талаб даражасида ташкил этиш имкониятлари яратилади.Томорка ва деҳқон хўжаликлари ер майдонлари фуқароларга, самарали хўжалик фаолиятини юритиш ва яхши дам олишшароитларини

таъминлаши, зарур бўлган санитария-гигиена шароитларига эга бўлиши ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаши, шунингдек, ер ва сув ресурларидан самарали фойдаланишни таминлаши зарур ва буларнинг барчасини ўз навбатида кишлок ободончилиги билан уйгунлаштиришни ўз ичига олади.

2. Фойдаланилмайдиган ерлар орасидан кўшимча майдонларни ажратиш (шу каторда яйлов ерлар); Ҳамма томорка ва деҳкон хўжаликлари ер майдонлари ҳам Ер кодексида белгиланган меъёрларга тўгри келавермайди, агарда юкори кўрсаткичларга эришаётган томорка ва деҳконхўжаликларининг хўжалик фаолияти таҳлил килинса ва уларнинг белгиланга меъёрлардан кам ер майдонларига эга бўла туриб самарали фаолият юритаётганликлари исботланса,уларнинг ер майдонлари микдорини меъёр даражасигача кўпайтирилиши мумкинлигини тавсия этиш мумкин.Томорка ва деҳкон хўжаликларига чорво молларини бокиш учун яйлов майдонларини ажратиб берадиган механизм яратиш лозим. Томорка ва деҳкон хўжаликлари ерларидан фойдаланишда уларнинг ер майдонларни кенгайтириш, авваламбор оилаларнинг меҳнат ва молиявий шароитидан келиб чикиб руйхатга олиниши лозим, чунки айнан шу омиллар ерлардан самарали фойдаланишни кафолатлайди.

3.Қишлоқ хўжалиги экинлари ва пичанзорларни тугри (самарали) жойлаштириш;

Томорка ва деҳкон хўжаликлари ер майдонларида бир йил мобайнида ўсимликларнинг турли нав ва турларни оптимал даражада навбатма-навбат тарзда алмашлаб экилишини кўзда тутади. Бунда ўсимликларнинг алмашлаб экилишиуларнинг ер майдонлари ҳолатини ёмонлаштириши эмас, балки тупрок унумдорлигини саклаш ва ошириш имконини бериши зарур. Самарали деҳкончилик тизими асосида ҳамда тупрокни ҳимоя қилувчи технологияларни жорий қилиш ва гумусни сақлаб қолиш оркали тупрок унумдорлигини оширишни кўзда тутади. Ердан тўгри фойдаланилса, у ўзининг унумдорлигини ва ишлаб чикариш ҳусусиятларини тиклаб олади. Жамият ривожланиши, аҳоли сонининг ортиб бориши хамда уларнинг эҳтиёжларини қондириш объектив нуқтаи назардан қишлок хўжалигида маҳсулот ишлаб чикаришни кўпайтиришни талаб қилади, бу эса ўз навбатида тупрок унумдорлигини оширилишини ҳам талаб килади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 9 декабрдаги “Қишлоқ хўжалик ходимлари кунига бағишланган тантанали йиғилиш” даги нутқи.
2. Деҳқон хўжалиги тўгрисидаги қонун. Т.1998 й.
3. Ўзбекистон Республикаси ер кодекси. Т. 1998й.
4. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитасининг тўпламлари. Т. 2017-2018 йй.